# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2025 йил 17 апрель, № 78 (8973) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# АНДИЖОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ҲАР БИР ОИЛА, ҲАР БИР ИНСОН ҲАЁТИДА ЯҚҚОЛ СЕЗИЛМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожи, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 15-16 апрель кунлари Андижон вилоятида бўлди.**

16 апрель куни Булоқбоши туманида давлатимиз раҳбари раислигида Андижон вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказилди.

Андижонда янги Ўзбекистон шукуҳи ҳар бир туман, ҳар бир маҳаллага кириб бораётгани қайд этилди. Ўтган йили вилоятда 4 мингдан зиёд янги тадбиркорлар иш бошлаган. 450 минг аҳоли ишли бўлган.

Вилоятда 1,5 миллион квадрат метр тураржой ва 850 минг квадрат метр нотураржойлар қад кўтарди. Бунинг ҳисобига ўтган йили савдо ва хизматлар 13 фоизга, саноат 7,5 фоизга ошди.

Лекин ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Андижонда иқтисодий салоҳият, янги лойиҳалар ва ташаббуслар кўп.

Йиғилишда кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестиция ва экспортни кўпайтириш, қурилиш, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш борасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Аввало, 2025 йилда Андижон вилоятида камида 6 фоиз иқтисодий ўсишни таъминлаб, ялпи ҳудудий маҳсулотни 105 триллион сўмдан ошириш, 305 минг аҳолини банд қилиб, 150 минг одамни камбағалликдан чиқариш имконияти кўрсатиб ўтилди.

Масалан, Андижонда дастгоҳсозлик саноати яхши шаклланган. Лекин икки йилда вилоятга четдан 1 миллиард долларлик асбоб-ускуналар импорт қилинган. Агар уларни ўзимизда тайёрлаш ўзлаштирилса, иқтисодиётга қўшимча тушум, одамларга иш ўрни бўлади. Бундай ташаббускорларни қўллаб, сертификат ва зарур буюмлар олишига кўмаклашиш керак.

Шунингдек, машинасозлик-конструкторлик ишлаб чиқариш марказлари ташкил этилади. Саноат тармоқларида талаб юқори бўлган импорт ускуналарнинг техник кўрсаткичлари ўрганилиб, маҳаллий корхоналарга муқобиллари таклиф қилинади. Бундай ускуналарни маҳаллийлаштириш истагидаги тадбиркорларга 5 миллиард сўмгача имтиёзли кредит берилади.

Вилоятдаги 13 минг гектар адирга сув чиқариб, бемалол экин экиш мумкин. Лекин у ерларга сув чиқаришда насос ишлатиш учун электр нархи деҳқонларга оғирлик қилади. Шу боис қуёш панели ўрнатиш учун молиявий инструментлар қўлланади. Қўрғонтепада 300 гектар адирликда саноат усулида интенсив боғ ва узумзор барпо этилиб, тадбиркорларга тайёр ҳолда таклиф қилинади.

Бошқа ҳудудлардаги самарасиз иссиқхоналар Андижонга кўчирилиб, аҳолига лизингга берилади. Маҳаллаларга арзон уруғ ва минерал ўғит етказилади.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Балиқчи ва Олтинкўлда 5 гектардан иссиқхона ташкил этиб, 100 та эҳтиёжманд оилани даромадли қилган. Энди бу Улуғнор, Пахтаобод, Хўжаобод, Марҳамат ва Андижон туманларида ҳам йўлга қўйилади. Бундай замонавий иссиқхоналарни намунавий ташкил қилган маҳалла раисларига 100 фоиз устама берилади.

Вилоятдаги сунъий сув ҳавзаларининг атиги 23 фоизида интенсив усулда балиқ етиштириляпти холос. Осиё тараққиёт банкидан 15 миллион доллар жалб этиб, 320 гектарда интенсив усулда балиқ етиштириш, 500 та хонадон билан кооперация қилиш лойиҳаси ишлаб чиқилган. Мутасаддиларга бу лойиҳани назоратга олиш, умуман, республикада балиқчиликни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Андижонда туризм салоҳияти ҳам юқори. Хонободдаги Кампировот, Булоқбошидаги Ширмонбулоқ, Хўжаободдаги Тош ота маҳаллаларида туризм масканлари ташкил қилиб, сайёҳларни кўпайтириш имконияти бор. Бу йил соҳада 125 миллион долларлик 25 та лойиҳани якунлаш, 3,5 миллион хорижий ва маҳаллий сайёҳ жалб қилиб, туризм экспортини 200 миллион доллардан ошириш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда инвестиция ва экспорт масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу йил хорижий инвестициялар ҳажми 3,1 миллиард долларга етказилиши, 1 миллиард долларлик 23 та йирик, 321 та кичик ва ўрта лойиҳа ишга туширилиши қайд этилди. Экспортни 1,5 миллиард долларга, маҳаллийлаштириш ҳажмини 10 триллион сўмга олиб чиқиш имконияти бор.

Ҳар йили Андижондан Қирғизистонга 200 миллион долларлик экспорт бўляпти. Чегарадан 5 минг долларликкача бўлган маҳсулотни қўлда олиб ўтишга рухсат берилгани натижасида яна миллионлаб долларлик товар сотиляпти. Ўзаро савдони кенгайтириш учун Қўрғонтепа ва Хўжаободда эркин савдо ва саноат зоналари ташкил қилиш таклифи билдирилди.

Вилоятдаги 360 та бўш ва самарасиз кўчмас мулкни қулай шартларда аукционга чиқариб, тадбиркорлик лойиҳаларига замин яратиш муҳимлиги таъкидланди.

Сув оқими юқори бўлган ариқ ва каналларда 75 мегаватт қувватга эга кичик ва микроГЭСлар қуриш имконияти бор. Бунда қатнашадиган тадбиркорларга 3 йил имтиёзли давр билан 7 йилга 12 фоиз ставкада кредит берилади.

Қурилиш ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича ҳам вазифалар кўп. Хусусан, бу йил 9 минг 700 хонадонли 245 та кўп қаватли уй қурилади. Бу соҳада 10 минг нафар аҳолининг бандлиги таъминланади. Минг километрдан зиёд йўл ва кўприклар таъмирланади.

Хонобод — Андижон магистраль сув қувурининг қуввати етишмаслиги сабабли 6 та тумандаги 510 минг аҳолига сув етказиб беришда муаммолар бор. Шу боис Осиё тараққиёт банки иштирокида ушбу қувурнинг 2-тармоғини қуриш зарурлиги таъкидланди.

Қўшни давлатлар билан боғловчи йўлларнинг ўтказувчанлигини ошириш, Андижон шаҳри билан туманлар ўртасида жамоат транспортини ривожлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Ижтимоий йўналишлар аҳоли турмушида бевосита акс этади. Андижонда бу йил юқори технологик жарроҳлик амалиёти улуши 40 фоизга етказилади. 15 минг нафар техникум битирувчисининг бандлиги таъминланади. 6 минг талаба дуал таълим билан қамраб олинади. Олий таълимнинг муҳандислик, тиббиёт, иқтисодиёт, аграр йўналишидаги 4 та таълим дастури халқаро аккредитациядан ўтказилади.

Шу мақсадда, жумладан, тиббиёт таълими ва туризмини ривожлантириш, маҳаллаларда туну кун хизмат кўрсатадиган хусусий тиббиёт пунктларини кўпайтириш чоралари белгиланди.

Маълумки, салоҳияти ва кўникмасини оширган мактаб директорларини рағбатлантириш йўлга қўйилган. Энди бу тизим техникумларда ҳам жорий қилинади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар йили Бобур шаҳрида рассомлар фестивали ўтказилади. Ғолибларга Президент совғаси сифатида автомобиль берилиши эълон қилинди.

— Бугун Андижон ривожини янги босқичга кўтариш бўйича энг муҳим вазифаларни белгилаб олдик, барча масалаларга тўхталиб, вилоят учун зарур маблағларни ҳам ҳал этдик, — деди Шавкат Мирзиёев. — Агар барчамиз бир бўлиб, ҳамжиҳат бўлиб иш олиб борсак, ютуқларимиз янада кўпаяди, биз забт этолмайдиган марранинг ўзи бўлмайди, Андижон янада обод бўлади.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва бошқа мутасаддилар ўз йўналишлари бўйича ахборот берди. Вилоят ҳокими, 16 та шаҳар ва туман ҳокими аҳоли ва тадбиркорларни ҳар куни эшитиб, ҳозирги суръатни сақлаб қолиши, дунёдаги иқтисодий тебранишлар шароитида фавқулодда масъулият олиши лозимлиги таъкидланди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Булоқбоши туманидаги “Файз-М” корхонаси фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда хомашёни қайта ишлаб, қўшилган қиймат яратишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Мазкур корхона ҳам мато тўқиш, бўяш ва тайёр трикотаж ишлаб чиқариш йўналишидаги йирик лойиҳалардан бири.

Бу ерда йилига 4 миллион 200 дона, 50 турдаги маҳсулотлар тайёрланади. Мингга яқин фуқаролар иш билан таъминланган. Ходимлар малакасини ошириш ҳам эътиборда. Бунинг учун дизайнерлик маркази ташкил этилган.

Туркия, Германия ва Хитойдан келтирилган илғор ускуналар иш унумдорлиги ва маҳсулотлар сифатини таъминламоқда. Тайёр кийим-кечакларнинг катта қисми экспортга йўналтирилади. Йиллик экспорт салоҳияти 6 миллион долларга етган.

Президентимиз ишлаб чиқариш жараёнини ва тайёр маҳсулотларни кўздан кечирди. Сифат кўрсаткичлари устида ишлаб, қўшилган қийматни ошириш ва экспорт географиясини кенгайтириш бўйича тавсиялар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон шаҳридаги “Имкониятлар олами” ҳудудий ижтимоий хизматлар марказида яратилган шароитлар билан танишди.

Мамлакатимиз Конституцияси, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси асосида инсонни қадрлаш кўлами кенгайди, бу соҳадаги хизматлар эҳтиёжмандларга яқинлаштирилмоқда. Айни йўналишдаги ишларнинг давоми сифатида шу йил 3 февралда “Ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди. Унинг ижроси доирасида илк бор Андижонда “Имкониятлар олами” ҳудудий ижтимоий хизматлар маркази ишга тушди.

Қарийб 5 гектар майдонга эга муассасада маъмурият, фаоллар зали, инклюзив таълим ва касбга ўргатиш бинолари, болалар майдончаси, спорт мажмуаси ва сузиш ҳавзаси мавжуд.

Бу ерда ногиронлиги бор болалар, ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга қатнов асосида ижтимоий хизматлар кўрсатилади. Жумладан, ижтимоий ва тиббий реабилитация хизмати, касбга йўналтириш, хорижий тилларни ўқитиш хизматлари ҳамда камбағал оилалар болалари учун қўшимча таълим хизматлари йўлга қўйилган.

Марказда 60 нафардан зиёд ходимлар фаолият юритади. Ижтимоий ҳимояга муҳтожларни аниқлаш ҳамда бу ерга йўналтириш “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан амалга оширилади.

Президент юртимизда илк бор ташкил этилган эрта аралашув хизмати билан танишди. Бу бўлим чақалоқликдан уч ёшгача бўлган болажонларни парваришлашга ихтисослаштирилган. Шу вақтгача бундай ёшдаги болалар фақатгина ота-онаси қарамоғида бўлган. Махсус боғчаларга эса фақат 3 ёшдан кейин қабул қилинган. Эндиликда ҳомиладорлик вақтида ногиронлик хавфи аниқланса, оналарга шу бинода хизмат кўрсатилади. Бу уларнинг фарзандларига бўлган эътиборини мустаҳкамлашда кўмаклашади. Шунингдек, улар учун психологик маслаҳатлар берилади.

Президентимиз марказдаги қўшимча таълим хизматига мўлжалланган бинодаги шароитлар билан танишди. У ерда ногиронлиги бор болаларнинг мактабдан ташқари дарс қилишлари, илм олишлари, интернетдан фойдаланишлари учун имкониятлар яратилган. Бундан ташқари, камбағаллик реестридаги оилалар фарзандлари ҳам келиб инглиз, рус, корейс ва бошқа тилларни ўрганиши мумкин.

Таъкидлаш ўринлики, йилнинг ўтган даврида Андижон вилоятида 10 мингга яқин камбағал оилаларнинг фарзанди боғчаларга жойлаштирилди, қарийб 29 минг нафарига тиббий кўмак кўрсатилди, 20 минг нафари ижтимоий хизматлар билан қамраб олинди. Бу эса уларнинг “оёққа туриб”, иш билан банд бўлишига ёрдам беради.

Марказда кундузги парвариш хизмати ҳам йўлга қўйилган. Бу ерда ногиронлиги бўлган инсонлар жисмоний ва ақлий машғулотлар билан шуғуллантирилади. Уларга ижтимоий ходимлар қараб туриши натижасида оиласидагиларнинг “қўли бўшаб”, ишлаши мумкин бўлади.

Мазкур бўлимда парваришланаётган фуқаролар бундай ғамхўрлик туфайли ҳаётга қайтганини айтиб, давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

— Бу эътибор замирида сизнинг соғлигингиз, яқинларингизнинг дарду ташвишлари бор. Кўнглингиз очилиб, ҳаётга умид уйғонганини кўриб, хурсанд бўлдим. Бундай ғамхўрликни янада кенгайтириб борамиз. Сизлардан фақат сабр-тоқат, ишонч ва ҳаракат зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ижтимоий хизматлар марказида спорт мажмуаси ҳам бор. Унда ногиронлиги бор болалар учун мўлжалланган бадантарбия хонаси, сув ҳавзаси ташкил этилган. Эътиборли жиҳати, машғулот қурилмалари АҚШ ва бошқа хорижий давлатлардан келтирилган бўлиб, адаптив спортга мўлжалланган. Сув ҳавзаси ҳам болаларнинг ёшига монанд алоҳида қулайликларга эга.

Давлатимиз раҳбари имконияти чекланган болаларни соғломлаштириш, катта ёшдаги инсонларни ўзига мос ҳунар ва машғулотларга жалб этиш муҳимлигини таъкидлади.

Президентимиз Андижон вилоятидаги ижтимоий хизматлар марказига ташрифи чоғида спорт соҳаси ва олимпия ҳаракатига оид тақдимот билан ҳам танишди.

Бугунги кунда юртимизда 10 миллиондан зиёд аҳоли оммавий спорт билан шуғулланмоқда. Туманларда, таълим ва меҳнат жамоаларида турли мусобақалар ўтказилмоқда.

Энди бу кўрсаткични 15 миллионга етказиш мақсад қилиб қўйилган. Бунинг учун “Маҳалла лигаси”, “Мактаб лигаси”, “Талабалар лигаси”, “Вазир кубоги” ва “Касаба уюшмалари кубоги” каби мусобақалар ташкил этилади.

Шу йил 13 февраль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида спортчи ёшларни саралаш ва маҳоратини ошириш бўйича топшириқлар берилган эди. Шунга мувофиқ селекция, спорт таълими ва олимпия тизимини янги босқичга олиб чиқиш ишлари бошланган.

Бунда ҳудудлардаги 254 та спорт мактаби, олимпия йўналишларига ихтисослаштирилган 56 та спорт мактаби миллий терма жамоаларга асосий захира бўлади. Жойлардан сараланган ёшлар тана антропометрияси ва қобилиятидан келиб чиқиб, мақсадли тайёрланади.

Уларни пишитиб бориш учун йилига икки марта “Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари” мусобақалар тизими йўлга қўйилади. Вилоят босқичи ғолиблари ҳар йили декабрда Олимпия шаҳарчасида ўтказиладиган “Президент Олимпиадаси”да иштирок этади. Мусобақа ғолиблари уй, автомобиль каби қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. Биринчи ва иккинчи ўринни олган спортчилар Республика олимпия ва паралимпия марказига қабул қилинади.

Президентимиз спорт таълимида вертикал тизимни такомиллаштириб, илғор услуб ва ёндашувларни татбиқ қилиш зарурлигини таъкидлади. Спорт мактабларининг натижадорлигини ошириш, қобилиятли ёшларни етук спортчилар этиб тарбиялаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятига ташрифи давомида ҳудудда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни режалаштираётган хорижий компаниялар вакиллари билан учрашди.

Йиғилишда қайд этилганидек, бу йил Андижонда қуввати 24 мегаватт, кейинги йил яна 20 мегаватт бўлган жами 763 та кичик ва микроГЭСларни ишга тушириш режалаштирилган.

Хитой компанияларидан бири вилоятда микроГЭСлар учун керакли ускуналарни ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи. Қайд этилганидек, қурилган ГЭСларга 1 йил давомида бепул сервис хизмати кўрсатилади.

Куни кеча Бобур шаҳрида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши эълон қилинган эди. Кўплаб сармоядорлар шаҳар қурилишида иштирок этишга қизиқиш билдирмоқда.

Жумладан, хитойлик инвестор 250 миллион доллар инвестиция ҳисобига замонавий мажмуа қурмоқчи. Лойиҳага мувофиқ 55 гектар ҳудудда бизнес маркази, меҳмонхона, савдо марказлари ва 3 минг хонадонга мўлжалланган уй-жой қурилади.

Учрашувда шу ва бошқа лойиҳалар тўғрисида батафсил маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга инвестицияларни кўпайтириш, инвесторлар билан яқиндан ишлаб, зарур шароитларни яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилоятига ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2025 йил 17 апрель

# ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА «ЙЎЛ ХАРИТАСИ» КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссиянинг навбатдаги йиғилишида миллий комиссия аъзолари, мутасадди вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.*

## Йиғилиш

Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия раиси Т. Норбоева олиб борган мажлисда 2024 йил давомида мазкур соҳада амалга оширилган ишлар, кўрилган чоралар, мавжуд муаммолар ҳамда 2025 йилга режалаштирилган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Миллий маърузачи томонидан одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари йўналишида 2024 йилда амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклифлар юзасидан Президентга ахборот киритилгани таъкидланди.

Қайд этилганидек, одам савдосига қарши курашиш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, йўналишга доир қонунчилик асосларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида 2024 йилда жами 30 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, Халқаро меҳнат ташкилотининг 5 та конвенцияси ратификациядан ўтказилди.

Одам савдосига оид жиноятларни аниқлаш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш борасида сезиларли ўзгаришлар кузатилди. Бундай жиноятлардан жабрланган шахсларга тиббий-психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, уй-жой муаммоларини ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бирга, ҳудудларда одам савдосига қарши курашиш, муносиб меҳнат тамойилларини илгари суриш борасидаги муаммоли масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисда одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича Ички ишлар вазирлиги, муносиб меҳнат масалалари юзасидан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги раҳбарлари, ҳудудий комиссиялар вакилларининг ахборотлари эшитилди.

Миллий комиссия томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган 2025 йилда одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари йўналишида амалга оширилган ишлар юзасидан ахборотда билдирилган таклифларни амалиётга татбиқ этиш бўйича чора-тадбирлар режаси (“Йўл харитаси”) лойиҳаси кўриб чиқилди.

Шунингдек, Одам савдосига қарши курашиш кичик комиссияси томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Одам савдосига қарши курашиш концепцияси лойиҳаси ҳамда уни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси кўриб чиқилиб, маъқулланди.

Кун тартиби доирасида муҳокама этилган масалалар юзасидан миллий комиссиянинг тегишли қарори қабул қилиниб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# КУН ТАРТИБИДА — РАТИФИКАЦИЯ МАСАЛАСИ

*Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг навбатдаги мажлисида “Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2024 йил 23 август) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди.*

## Сенат қўмитасида

Мажлисда сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг доимий комиссиялари аъзолари, мутахассис ва экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мазкур Шартнома Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиев томонидан 2024 йил 23 август куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси давлатлараро олий кенгашининг биринчи йиғилиши доирасида имзоланган.

Шартнома икки давлат мустақиллиги, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва барқарор иқтисодий ривожланишини янада мустаҳкамлашга қаратилган давлатлараро муносабатларнинг янги босқичини шартномавий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашни назарда тутади.

Шунингдек, ҳужжатда томонларнинг бир-бирларига қарши қаратилган ҳеч қандай блоклар ёки иттифоқларда қатнашмаслиги ҳамда бирининг фикри бўйича икки давлатнинг стратегик шериклиги ва иттифоқчилик муносабатларига зарар етказадиган ҳар қандай ҳаракатда иштирок этишдан ўзини тийиб туриш каби мажбуриятлари белгиланмоқда.

Айтилганидек, мазкур Шартноманинг ратификация қилиниши икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ишонч, дўстона алоқалар ва стратегик шерикликни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, сиёсий ҳамкорликни кенгайтириш, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратади. Икки мамлакатнинг ҳудудлари ўртасидаги тўғридан-тўғри ҳамкорликни кучайтириш, логистика, энергетика, саноат, таълим ва туризм каби соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари юзага келади.

Мажлис якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# МАҚСАД — АҲОЛИ УЧУН ХАВФСИЗ МУҲИТ ЯРАТИШ

*Сўнгги йилларда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликлар юз беришига сабаб бўлаётган ижтимоий-маиший муаммоларни ижтимоий профилактика чоралари тизими орқали ҳал қилиш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилди.*

## Сенатор ва ҳаёт

Шу билан бирга, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишнинг ташкилий-профилактик асосларини замон талабларига мослаштириш, қонунбузилишларнинг асл омилларини ўз вақтида аниқлаш ва комплекс чора-тадбирлар билан манзилли бартараф этиш орқали жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизимининг самарадорлигини янада ошириш долзарб вазифалардандир.

Хусусан, Президент раислигида коррупцияга қарши курашишга бағишлаб ўтказилган йиғилишда ушбу йўналишдаги қатъий сиёсатнинг асосий мақсадлари ва келгуси вазифалари аниқ белгилаб берилган эди. Улардан келиб чиқиб, парламентнинг ишчи гуруҳи томонидан Наманган вилояти маҳаллаларида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишлар ўрганилмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси А. Эшмуратов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Наманган вилоятининг Норин, Чортоқ, Учқўрғон ва Уйчи туманларида республикада хавфсиз муҳитни яратиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган Президент қарори ижроси бўйича ўрганишлар олиб борди.

Бу жараёнда давлат органлари томонидан жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳаётда йўлдан адашган, жиноят содир этишга мойил фуқаролар билан индивидуал тарзда ишлаш, маҳалла ва оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Криминоген вазияти оғир бўлган маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизимини самарали ташкил этишга доир жойлардаги масъул раҳбарларнинг ахборотлари тингланди. Бунда асосий эътибор ҳудудий раҳбарларнинг ушбу масалалардаги фаоллиги ва ташаббускорлигига қаратилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан вилоятнинг туман ва шаҳарлари кесимида ишлаб чиқилган “йўл хариталари” билан танишиб чиқди. Камералар, “ташвиш тугмалар”ни ўрнатиш, маҳаллаларда “хавфсиз йўлак”, “хавфсиз кўча” ташкил этиш борасидаги ишлар кўздан кечирилди. “Қизил” тоифадаги маҳаллаларда тиббий ва профилактик рўйхатда турган шахслар билан яккама-якка суҳбатлар ўтказилди ва улар билан ишлаш жараёнлари ўрганиб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

# ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ШАХСЛАР МАНФААТЛАРИ ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

*Кеча Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.*

## Қўшма мажлис

Унда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг жамиятга мослашувини таъминлаш ҳамда бу борада Фарғона вилоятида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, юртимизда сўнгги йилларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган кўламли ислоҳотлар бажарилди. Хусусан, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ратификация этилиб, уни амалга ошириш бўйича 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режаси қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатлар ижроси доирасида ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар ва тиббий ёрдамлар кўлами кенгаймоқда. Шунингдек, инклюзив таълим, қулай ҳамда тўсиқларсиз муҳит яратиш йўналишларида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Фарғона вилоятида 2023 йилда 2 895 нафар, 2024 йилда эса 8 472 нафар ногиронлиги бўлган шахслар умумий қиймати 15,8 млрд. сўмлик протез мосламалари ва реабилитация воситалари билан таъминланган. Ихтисослаштирилган тиббий хизматлар доирасида 2023 йилда 4 098 та, 2024 йилда 5 013 та имтиёзли йўлланмалар берилиб, 2023 йилда 1 035 нафар, 2024 йилда 1 122 нафар шахсга жарроҳлик амалиёти кўрсатилган.

2024 йилда вилоятда “аёллар дафтари”да рўйхатда турган ногиронлиги бўлган 9 882 нафар хотин-қизга 13,7 млрд. сўмлик ёрдам кўрсатилган. Шу жумладан, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган 6 741 нафар хотин-қизга 8,9 млрд. сўмлик, ногиронлиги бўлган фарзанди учун 3 124 нафар онага 4 млрд. сўмлик бир марталик моддий ёрдам берилган, 17 нафар ногиронлиги бўлган шахснинг уй-жойи таъмирланган.

Ногиронлиги бўлган шахсларга тўсиқларсиз муҳитни яратиш мақсадида ўтган йилда 9 та тиббиёт муассасасидаги лифтлар янгисига алмаштирилиб, 41 та тиббиёт муассасасидаги пандуслар таъмирланган. 40 та жамоат транспорти воситаси ногиронлиги бўлган шахсларга мос равишда жиҳозланган.

Мажлисда ушбу соҳада амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, мавжуд муаммоларга ҳам эътибор қаратилди.

Хусусан, вилоятда инклюзив таълим ташкил этилган 71 та умумий ўрта таълим мактабининг 12 таси махсус педагог-ўқитувчилар билан таъминланмаган бўлса, 19 та мактабгача таълим ташкилотида очилган инклюзив гуруҳларга ногиронлиги бўлган тарбияланувчилар етарлича қамраб олинмаган.

Шунингдек, 2023 йилда ногиронлиги бўлган шахслар учун квоталанган 2 525 та иш ўрнидан 1 797 тасига, 2024 йилда эса 2 632 та иш ўрнидан 2 015 тасига ногиронлиги бўлган шахслар ишга жойлаштирилмаган. Айрим ҳудудларда бундай шахслар учун квоталанган иш ўринлари яратилмаган ҳолатлар ҳам учрайди. Бу турдаги ҳуқуқбузарликлар учун 2023 йилда 46 та, 2024 йилда эса 8 та ташкилот раҳбарларига нисбатан маъмурий жарималар қўлланилган. Бундан ташқари, тиббиёт бирлашмаларидаги лифтларнинг таъмирталаб ҳолати, умумтаълим ва олий таълим муассасаларидаги пандусларнинг стандарт талабларга жавоб бермаслиги, пиёдалар йўлакларида ногиронлиги бўлган шахслар ҳаракатини чекловчи тўсиқларнинг мавжудлиги ҳам танқид остига олинди.

Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш республика маркази ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан ногиронлар учун қулай муҳит яратиш бўйича техник қисмлар мавжуд бўлмаган лойиҳаларга ижобий хулоса берилган ҳолатлар аниқлангани ачинарлидир.

Муҳокама давомида юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўриш зарурлиги айтилди ҳамда Сенат қўмитаси ва халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг қўшма қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

*Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзигул Қозихонова Латвиянинг “Марта” маркази раҳбари Илута Лаце билан учрашди.*

## Учрашув

Унда гендер зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган самарали механизмларни яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот чоғида мазкур йўналишда фаолият юритаётган ННТ ва манфаатдор ташкилотлар учун халқаро стандартларга асосланган иш услубларини ишлаб чиқиш, амалда жорий этиш ҳамда мутахассислар тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, бу соҳада ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ҳамда келгусида амалга оширилиши мумкин бўлган қўшма лойиҳалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Илута Лаце Ўзбекистондаги демократик ислоҳотлар жараёнини юқори баҳолаб, парламентнинг жамиятни ислоҳ қилишдаги роли ортиб бораётганини эътироф этди. Инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик соҳасидаги умумий мақсадларга эришишда “Марта” маркази Ўзбекистоннинг тегишли ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириши ҳар икки томон учун ҳам муҳимлиги таъкидланди.

**«Халқ сўзи».**

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ

# жаҳон ялпи ички маҳсулотига барака киритади

*Парламентлараро Иттифоқнинг 150-ассамблеяси доирасидаги асосий тадбирлардан бири гендер тенглик мавзуига бағишланди. Бу масаланинг дунё парламентлари вакиллари томонидан муҳокама қилиниши бежиз эмас.*

## Мушоҳада

Таҳлилларга кўра иқтисодиётнинг барча тармоғида аёлларнинг эркаклар билан тенг иштироки таъминланса, жаҳон ялпи ички маҳсулоти ҳажми 26 фоизга ўсар экан.

Бу борада кўзланган натижаларга эришишда хотин-қизларнинг барча соҳада, айниқса, парламентдаги фаоллиги алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда дунёда айни масалада ижобий натижаларга эришилаётгани қувонарли. Айниқса, сўнгги 30 йилда жаҳон парламентларидаги аёллар улушининг 11,3 фоиздан 27,2 фоизгача ўсгани айни муддао.

Ўзбекистон ҳам дунёнинг тез ривожланаётган мамлакатларидан бири сифатида гендер масаласига устувор аҳамият бермоқда. Бу борада сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида оилалар мустаҳкамлиги, хотин-қизларнинг ҳуқуқий ҳимояси ва гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича миллий модель яратилди. Конституция даражасида, шунингдек, мамлакатнинг стратегик ҳужжатларида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланди.

Шунингдек, янги, халқаро стандартларга мос миллий қонунчилик базаси ҳамда институционал асослар шакллантирилди. Мамлакат даражасидан, энг қуйи бўғин — маҳаллагача хотин-қизлар масалалари билан шуғулланадиган узвий тизим йўлга қўйилди. Хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини кучайтириш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги механизмлар яратилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида хотин-қизларнинг давлат бошқарувида иштироки ортмоқда. Ҳозирги кунда олийгоҳларда таълим олаётган талабаларнинг ярмидан зиёдини қизлар ташкил этади. Шунингдек, сўнгги йилларда ишбилармон аёллар сафи икки баробар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйганлар сони 205 мингдан ошди.

Хотин-қизларнинг бошқарув лавозимидаги улуши 35 фоизга, сиёсий партияларда 49 фоизга етди. Миллий парламентимизда уларнинг улуши 38 фоизлик даражада ва бу билан Осиё минтақасидаги энг юқори кўрсаткични қайд этганини Парламентлараро Иттифоқ аъзолари ҳам бир овоздан эътироф қилди.

Албатта, бу ютуқлар қувонарли. Аммо бугун замон барчамиздан бу борадаги ҳаракатларимизни ўзаро уйғунлаштириш ва янада фаоллаштиришни талаб этмоқда. Ассамблея доирасида бўлиб ўтган муҳим тадбирлардан бири — дунё парламентарий аёллари форуми бу борада алоқаларни кенгайтиришда муҳим платформа сифатида хизмат қилиши табиий.

Ўз навбатида, бундай халқаро тадбирларда йўлга қўйиладиган ўзаро мулоқотлар жаҳондаги миллионлаб аёлларнинг ҳаётини яхшилашга ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

**Малика ҚОДИРХОНОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.**

# «ЯНА ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛИШ ИМКОНИЯТИНИ ҚЎЛДАН ЧИҚАРМАЙМАН»

*Пойтахтимизда бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-ассамблеяси ўз ишини якунлаганига ҳали кўп вақт бўлмади. Анжуман асносида жаннатмонанд юртимизга ташриф буюриб, унинг бетакрор тароватидан баҳраманд бўлган, ўз диёрига олам-олам таассуротлар билан қайтган хорижликлар Ўзбекистон ҳақида, унинг бағрикенг инсонлари тўғрисида илиқ фикрлар билдиришда давом этмоқда.*

*Қуйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.*

## Эътироф

**Ула Бортен МУЕ,**
**Норвегия парламенти аъзоси, собиқ фан ва олий таълим вазири:**

— Парламентлараро Иттифоқ 150-ассамблеясининг илк бор Марказий Осиё минтақасида, айнан Ўзбекистонда ўтказилгани алоҳида рамзий маънога эга деб ҳисоблайман ва ушбу муҳим тадбирда қатнашиш мен учун катта қувонч бахш этди. Айниқса, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг анжуманда иштирок этиб, нутқ сўзлагани таҳсинга сазовор. У ўз нутқида нафақат Парламентлараро Иттифоқ, балки глобал кун тартиби учун ҳам муҳим аҳамиятга эга долзарб масалаларга урғу қаратди.

Дарвоқе, Ўзбекистон менда жуда катта таассурот қолдирди. Кўриниб турибдики, мамлакат фаол ривожланмоқда ва ўсмоқда, бу эса келажакка ишонч уйғотади. Ташриф доирасида бой маданият ва теран тарихга эга Самарқанд шаҳрида ҳам бўлганим унутилмас дамларни ҳадя этди.

Парламентлараро Иттифоқ ассамблеяси баҳона юртингизда бўлар эканман, ажойиб меҳмондўстлик ва юқори даражадаги ташкилотчилик учун барчага ўз миннатдорлигимни билдираман.

Яна Ўзбекистонга келиш имкониятини қўлдан чиқармайман.

**Кахуранга КАРТЕР,**
**Янги Зеландия парламенти аъзоси, депутат:**

— Парламентлараро Иттифоқ ассамблеясининг ташкилий жараёни ҳам, Тошкент шаҳри ҳам бизни чинакамига ҳайратга солди. Қисқача айтганда, ҳаммаси аъло даражада ўтди.

Президентингиз ўз нутқида Ўзбекистоннинг барқарор глобал тараққиётга эътибор қаратаётганини алоҳида таъкидлагани мени тўлқинлантирди. Табиат билан ва бир-биримиз билан уйғунликда яшашимиз учун барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида ҳам ривожланаётган, ҳам ривожланган мамлакатлар биргаликда ҳаракат қилиши муҳим деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон етакчиси бутун дунёда болалар учун хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш каби энг муҳим глобал муаммоларга тўхталиб ўтди. Ишончим комилки, биргаликда қанчалик кўп ҳаракат қилсак, бу мақсадларга шунчалик тез эришамиз.

Ўзбекистон, ҳақиқатан ҳам, Марказий Осиёнинг дурдонасидир. Юртингизнинг кўплаб гўзал ва бетакрор жойларида бўлдик, бу биз учун улкан таассуротлар берди. Мамлакатингиз ҳақида жуда кўп маълумотларга эга бўлдик ва бу таассуротларимизни ўз яқинларимиз, ҳамкасбларимиз билан баҳам кўряпмиз, албатта.

**«Халқ сўзи».**

**25-26 апрель кунлари юртимизда талабалар ўртасида шахмат бўйича «Янги Ўзбекистон кубоги» мусобақаси ташкил этилади.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# АЗМУ ШИЖОАТДА БАРЧАГА ИБРАТ

*Мамлакатимизнинг барча ҳудуди каби Андижон вилояти ҳам бугун изчил ривожланмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, одамларнинг турмуш фаровонлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда.*

Бу — давлатимиз раҳбари бошчилигида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли манфаатларини устун билиб, уларнинг яхши яшашига зарур шарт-шароитлар яратиб бериш каби устувор масалаларга давлат сиёсати даражасидаги эътибордан далолат.

Ушбу вилоят ҳақида гап кетганда, аввало, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёдимизга тушади. Андижон ана шундай аждодлар вояга етган замин. Андижонликлар билими ҳамда матонати билан катта ишларга қодирлигини мана шу далил ҳам исботлаб тургандек гўё.

Президентнинг Андижон вилоятига бу галги ташрифи ҳам кенг қамровли, самарали бўлди, десак, айни ҳақиқат. Давлат раҳбари ҳудудда амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар, йирик лойиҳаларнинг бориши ва бунёдкорлик ишлари билан танишиш жараёнида фаоллар, ёшлар, тадбиркорлар билан учрашиб, улар фаолиятига руҳ берди, мотивация берди.

Ташриф давомида Янги Андижон шаҳрини Бобур шаҳри, деб номлаш бўйича ташаббус илгари сурилди ва бу кенг жамоатчилик томонидан бирдек қўллаб-қувватланди. Улуғ аждодимиз ҳамда унинг авлодлари бунёд қилган тарихий обидаларнинг тимсолидан иборат тематик парк барпо этилиши эса айни муддао бўлди.

Ушбу шаҳарда яна кўплаб лойиҳалар, ташаббуслар ҳаётга татбиқ этиладики, буларнинг барчаси шаҳарни маърифат ва маданият марказига айлантиришга хизмат қилади.

Андижонликлар азалдан миришкорлиги, изланувчанлиги билан машҳур.

Улар ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланишни билади. Таъкидланганидек, жорий йилдан бошлаб томорқадан фойдаланиш бўйича янги тизим ишламоқда. Масалан, Асака туманининг Отиш маҳалласидаги 810 та хонадондан 805 тасида иссиқхона мавжуд бўлиб, уларда йилига уч марта ҳосил олинаётгани фикримиз тасдиғи. Худди шундай, Обод маҳалласидаги юзлаб хонадон эгалари ҳам иссиқхоналардан самарали фойдаланиб, оиласи бутлиги ва фаровонлигини таъминлаётгани кишини қувонтиради.

Фаоллар йиғилишида давлатимиз раҳбари ушбу масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб, вилоятдаги қолган 907 та маҳаллада ҳам бу тажрибадан унумли фойдаланиш муҳимлигини қайд этди. Асакадаги маҳалларга арзон уруғ ва минерал ўғит етказиб бериш тизими эса бутун республикада жорий қилинадиган бўлди.

Айтиш жоизки, олиб борилаётган мана шундай ислоҳотлар сабабли, ўтган йили Андижонда камбағаллик 11,9 фоиздан 9,5 фоизга тушди. Бу ҳам водийликларнинг миришкорлиги, ишнинг кўзини билиши ва меҳнаткашлигидан далолатдир.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Балиқчи ва Олтинкўлда 5 гектардан иссиқхона ташкил этилиб, юзта эҳтиёжманд оила даромадли қилинди. Иссиқхона камбағал оилаларга ўн сотихдан икки йилга ижарага берилган. Йилига уч марта ҳосил олиш ҳисобига ҳар бир оила 150 — 200 млн. сўмдан даромад топади. Тадбиркор кўчат, уруғ, ўғит ҳамда ёқилғини етказиб бериб, ҳосилни ўзи сотиб олади.

Мана буни ҳақиқий ишбилармонлик, деса бўлади. Зеро, бугун бир кишини ишли қилиш билан ҳам юртга, халққа фойда келтириш мумкин. Биз бугун мана шундай куч билан, ақл билан ишлайдиган замонда яшаяпмиз.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, агар барчамиз бир бўлиб, ҳамжиҳат бўлиб иш олиб борсак, ютуқларимиз янада кўпаяди, биз забт этолмайдиган марранинг ўзи бўлмайди, Андижон янада обод бўлади. Албатта, бу жараёнларда меҳнаткаш, бир сўзли ва танти Андижон аҳлининг азму шижоати барчага ибрат бўлади, шубҳасиз.

**Муқаддасхон АҲМЕДОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

*Президентимизнинг Андижон вилоятига ҳар гал ташрифи ҳудудда муҳим ўзгаришларга, аҳоли кайфияти кўтарилиб, уларнинг осуда, фаровон ҳаёт кечириши, ўз орзу-истакларига эришиши учун барча қулайлик яратилишига имкон беради, десак, асло янглишмаймиз.*

Агар ҳудуднинг яқин тарихига назар ташласак, яқин-яқингача Андижон вилоятида 2017 йилга қадар Асака автомобиль заводидан бўлак кўзга кўринган корхонани топиш қийин эди. Бугун эса вилоятда жами 53 892 корхона ва ташкилот фаолият кўрсатяпти. Шундан 47 758 тасини кичик тадбиркорлик субъектлари ташкил этиши эътиборга молик.

Мазкур ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти ҳам юқори. Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил февраль ойида вилоятга ташрифи давомида белгиланган вазифалар ҳудуд ривожига қўшимча туртки берди. Саноат, тадбиркорлик, савдо, хизмат кўрсатиш, туризм ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида юқори натижаларга эришилди.

Андижон экспорт кўрсаткичи борасида ҳам етакчи вилоятлардан саналади. Ўтган йили бу ернинг экспорт ҳажми 1 млрд. доллардан ошди. Ваҳоланки, 2016 йилда бор-йўғи 266 млн. долларлик экспорт амалга оширилган. Бошқача айтганда, охирги саккиз йилда экспорт ҳажми 3,5 баробар кўпайди.

Андижон мамлакатимиздаги ҳудуди жиҳатидан энг кичик, аҳолиси эса зич яшайдиган вилоят. Аҳолини ўйлантириб келаётган муаммоларнинг аксарияти ҳам уй-жой билан боғлиқ. Бу ерда 2016 йилгача 4 846 та оила учун якка тартибдаги бир-икки қаватли уйлар қурилган бўлса, 2016 — 2024 йиллар давомида 34 мингдан ортиқ хонадонларга эга 1 мингдан зиёд кўп қаватли уй-жойлар қад ростлади.

Замонавий уй-жой қуриш учун ер танқислиги боис Янги Андижон шаҳарчаси бунёд этишга қир-адирлар танланди. Президент ташаббуси билан мамлакат тарихида илк бор, анча йиллардан буён қақраб ётган адирликларда кўп қаватли тураржойлар бунёд қилинди. Очиғи, бу иш амалга ошишига оддий одамларни қўя туринг, қурувчилар ҳам бошида шубҳа билан қараган эди.

Қатъият бор жойда натижа бўлиши яна бир бор ўз исботини топди. Қурилиш саккиз босқичда режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда 1 770 та хонадонли 63 та уй фойдаланишга топширилган. Шунингдек, 1 680 ўринли мактаб, 420 ўринли болалар боғчаси, 250 қатновга мўлжалланган поликлиника қурилди.

19 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” боғи барпо этилиб, ўн минг тупдан кўп манзарали дарахт кўчатлари, бута ва гуллар экилди. Амфитеатр, дам олиш жойлари, декоратив йўлаклар, кафелар, болалар ўйингоҳи, ёритиш тизимларига эга бўлган боғ Янги Андижоннинг кўрки бўлди.

Президентимиз ушбу боғда бўлиб ўтган халқ сайлида бетакрор илмий ва ижодий мероси билан миллатимиз, халқимизни бутун дунёга тараннум этган буюк аждодимиз — Заҳириддин Муҳаммад Бобур хотирасини абадийлаштириш мақсадида Янги Андижон шаҳрига Бобур шаҳри, деб ном беришни таклиф этди. Бу, ўз навбатида, вилоят аҳлининг айни дилидаги гап бўлиб, уларнинг кайфиятини янада кўтарди.

Лойиҳа кўлами кенг — ҳудуднинг 1 439 гектарида 2 мингта кўп қаватли тураржой қад ростлайди. Шунингдек, кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, 1 820 гектарда яшил ҳудудлар ташкил этилади. Қурилишлар битгач бу ерда 410 минг нафардан зиёд аҳоли яшаши мумкин бўлади. Хуллас, қурилиш, бунёдкорлик ишлари натижасида вилоят республикамизнинг энг обод, кўркам ҳудудларидан бирига айланади.

Бугун Андижонда автомобилсозлик, машинасозлик, тўқимачилик, электр техникаси, рақамли технологиялар, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, гулчилик, асаларичилик, балиқчилик ва бошқа тармоқларда самарали ютуқларга эришиляпти. Ҳозир бу ерда 11 мингдан зиёд саноат корхоналари бор. Уларнинг республика саноатидаги улуши 10 фоиздан юқори. Ушбу ташрифдан кейин ўсиш янада юқорилаши муқаррар. Зотан, Андижон заминида Янги Ўзбекистон ғояси, унинг нафаси ҳар бир маҳалла ва хонадонга кириб бораётир.

Аҳолининг кайфиятини кўтарган мазкур ташриф давомида белгилаб берилган залворли вазифалар, шубҳасиз, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириб, унинг беқиёс имкониятларини юзага чиқариш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Шундай экан, биз бу борада янада фаол бўлиб, ушбу топшириқлар ижроси устидан доимий равишда депутатлик назоратини ўрнатиб боришимиз мақсадга мувофиқ.

**Анваржон НУРМАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ТАРИХИЙ МЕРОСДАН ЗАМОНАВИЙ РИВОЖЛАНИШ САРИ

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилоятига навбатдаги ташрифи нафақат ҳудудни ривожлантириш, балки мамлакатимиз келажагини шакллантириш йўлидаги муҳим қадамларни кўрсатди, десак, муболаға эмас. Инчунин, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар орасида энг муҳимларидан бири — Янги Андижон шаҳрига буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номини бериш таклифи бўлди. Ушбу ғоя фақатгина номлаш эмас — балки тарих, маданият, маънавият ва замонавий ривожланиш уйғунлигини ифода этувчи стратегик қарашдир.*

Бундан ташқари, шаҳар концепциясида Бобур меросини абадийлаштирувчи тематик парк, рассомлар фестивали каби ташаббуслар ҳам ўз ифодасини топади. Буларнинг барчаси ёшларда тарихий хотирага ҳурмат ва замонавий ёндашувни уйғотиб, маданий ҳаётни жонлантиради.

Президентимиз ёшларни тадбиркорликка ва ер ресурсларидан самарали фойдаланишга ўргатишнинг муҳимлигини таъкидлаб, касбий кўникмаларни ривожлантиришга алоҳида урғу берди. Айниқса, мактабларда касб йўналишлари бўйича амалий машғулотларни йўлга қўйиш, бу жараёнга саноат ва савдо корхоналарининг мутахассисларини жалб этиш орқали ёшларни замонавий касблар ҳамда зарур кўникмалар билан таъминлашга қаратилган ташаббуслар мамлакатимиз тараққиётига мустаҳкам замин яратиши, шубҳасиз.

Шунингдек, туризмни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хонобод шаҳридаги Кампировот маҳалласида 92 гектар майдонда замонавий туризм марказини ташкил этиш, Булоқбоши туманидаги Ширмонбулоқ ҳамда Хўжаободдаги Тош ота маҳаллаларида ҳам шундай сайёҳлик масканларини яратиш режалаштирилмоқда. Мазкур ташаббуслар амалга ошса, вилоятга қўшимча бир миллион сайёҳни жалб этиш имконияти юзага келади. Бу эса нафақат иқтисодиётни ривожлантириш, балки ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш ва туризм соҳасида уларга имкониятлар тақдим этиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Йиғилишда транспорт инфратузилмасини яхшилаш масаласи ҳам кўтарилди. Андижон шаҳрини вилоятнинг бошқа ҳудудлари билан боғловчи самарали жамоат транспорти тизими яратилиши зарурати алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, янги автобус ва транспорт русумларини жорий этиш ҳамда йўловчиларни янада қулайроқ тарзда хизмат билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди. Бу эса вилоятдаги яшаш шароитларини яхшилашга ва аҳолининг кундалик ҳаётини енгиллаштиришга хизмат қилади.

**Авазбек АРАББОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси.**

# ШАҲАРГА БУЮК АЖДОД НОМИ БЕРИЛИШИ МИЛЛИОНЛАБ ИНСОНЛАРНИНГ ДИЛИДАГИ АРМОНЛАР УШАЛИШИДИР

*Панжоб университети қошидаги Бобур мероси маркази директори Рухсана Ифтихор (Покистон) “Дунё” АА учун интервьюсида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Янги Андижон шаҳрига Бобур шаҳри деб ном бериш ташаббуси ҳақидаги фикрларини билдирди:*

— Ўзбекистон Президентининг Андижондаги нутқи ва билдирган таклифи Покистонда катта акс садога сабаб бўлди. Бу шунчаки шаҳарсозлик ташаббуси эмас, балки Бобурнинг буюк шахси билан тарихий ва маданий алоқадорликни ҳис қилаётган миллионлаб инсонлар дилидаги армонлардир.

Мен тарихчи сифатида бу воқеадан жуда ҳаяжонландим. Покистон учун Бобур нафақат буюк сулола асосчиси, балки маданий тимсол, қаламкаш ва фалсафий фикр эгасидир. Унинг номи адабиётга бўлган нозик дид, табиатга муҳаббат, шеърият ва меъморчилик билан боғлиқ. Бинобарин, Бобур номи билан аталган шаҳарнинг барпо этилиши шунчаки хотира тадбири эмас, балки Ўзбекистон ва Жанубий Осиё ўртасидаги умумий меросга ҳурмат асосидаги жонли мулоқот ифодасидир.

Ўзбекистон Президентининг Андижон шаҳридаги амфитеатрни халқ амалий санъати марказига айлантириш тўғрисидаги қарори ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Бу халқларимиз ўртасидаги маданий яқинлашувнинг муҳим платформасига айланиши мумкинлигига ишонаман. Покистонлик рассомлар ушбу ноёб майдонда ўтказиладиган фестивеллар ва ижодий лойиҳаларда иштирок этишдан мамнун бўладилар деб ўйлайман.

Ўзбекистон ўз нигоҳини фақат ўтмишга эмас, балки келажакка ҳам йўналтирганини яна бир бор исботлади. Бобур хотирасининг туғилиб ўсган Андижонда улуғланиши тарихий адолат, шу билан бирга, мулоқотга даъват сифатида баҳолаш мумкин. Биз Покистонда ушбу ташаббусни чин дилдан юксак баҳолаймиз ҳамда у мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ва илмий алмашинувларни кенгайтиришга туртки бўлишига ишончимиз комил.

**«Дунё» АА.**
Лаҳор

# ҲУДУД ТАРАҚҚИЁТИГА ЭЪТИБОРНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

*Президентимизнинг Андижон вилоятига бу галги ташрифи ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси сифатини янада ошириш, мавжуд муаммоларни жойида ўрганиш ва ҳал этишга қаратилган изчил ислоҳотлар сиёсатидаги навбатдаги янги босқич бўлди.*

Аёнки, Андижон вилояти мамлакатнинг иқтисодий, маданий ва демографик жиҳатдан муҳим ҳудуди сифатида доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда. Шу боис ҳам давлат раҳбарининг мазкур ҳудудга ташрифи мамлакат тараққиётида долзарб аҳамият касб этади.

Президент ташриф давомида мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ва ҳар жиҳатдан янада ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг Андижон вилоятидаги ижроси билан яқиндан танишди. Энг аввало, вилоят иқтисодиётининг бугунги кўрсаткичлари ва келгусидаги ривожлантириш режалари эътибор марказида бўлди.

Бугунги кунда вилоятда тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлашга аҳамият қаратилаётгани натижасида 11 мингдан зиёд саноат корхоналари бир маромда фаолиятини олиб бормоқда. Жумладан, 47 та саноат зонасида 2,3 триллион сўмлик 1000 та лойиҳа амалга оширилиши ҳисобидан 18 минг киши янги иш ўрни билан таъминланишига эришилган.

Ҳозирги вақтда 1 миллиард долларлик 288 та инвестиция лойиҳаси рўёбга чиқарилиши режалаштирилган. Хусусан, жорий йил давомида 119 та лойиҳани ишга тушириш, 4 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган бўлиб, бу бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, давлатимиз раҳбари ўтган йил февраль ойида Андижонга ташрифи чоғида кўплаб истиқболли лойиҳалар билан танишиб, вилоятда олиб борилаётган қурилиш, бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини жадал ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш юзасидан тегишли вазифаларни белгилаб берган эди.

Бунинг натижасида ўтган йили вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2023 йилдагига нисбатан сезиларли даражада ўсди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса инвестиция лойиҳалари самарасида ҳамда тижорат банклари иштирокида 77 минг нафар фуқаро иш билан таъминланган.

Бу гал ҳам ташриф давомида ҳудудда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишилиб, зарур кўрсатмалар берилди. Шунингдек, вилоятда саноат, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий соҳа объектлари ва маҳаллалар ҳаёти билан яқиндан танишилди. Бу борада амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгусидаги устувор вазифалар белгиланди.

Давлатимиз раҳбари вилоят аҳли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиб, уларнинг ўй-фикрлари билан қизикди. Бу мулоқотлар асосида аниқ вазифалар белгиланди ва уларнинг ижросини назорат қилиш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи нафақат ҳудуд тараққиётига янги суръат берди, балки улкан имкониятларимизни ишга солиш, уни янада тараққий эттиришнинг ёрқин намунасига айланди.

**Наврўзбек ЮСУПОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# КЕЛАЖАККА ҚУРИЛАЁТГАН МАЪНАВИЙ КЎПРИК

*Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида бугун Андижонга янги ҳаёт, янги кайфият кириб келди.*

Маълумки, ҳар ойнинг охирги ҳафтасида халқ билан мулоқот қилиш, одамларни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш мақсадида ҳудудларда бўлиб сайловчилар билан мулоқотлар ўтказамиз. Очиғи, андижонлик бўлганим боис ҳар сафар вилоятимизга борганимда бирор-бир ўзгаришларга кўзим тушади.

Ҳозирги вақтда ҳудудда янгиланишлар нафаси кириб бормаган бирорта қишлоқ ва маҳалла қолмади ҳисоб. Ўн — ўн беш йил аввал халқимиз орзу қилган маиший хизмат масканлари, замонавий мактаб ва боғчалар, тиббиёт муассасалари бугун аҳоли, ёшларимиз хизматига шай.

Оддий мисол. Яқин-яқингача вилоятда таъмирталаб мактаблар, томлари лойсувоқли уйлар бўлган бўлса, бугун улар кескин камайган. Мавжуд таълим муассасалари реконструкция қилиняпти, янгилари барпо этилмоқда. Хуллас, ёшларнинг сифатли таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, ўз истеъдодларини рўёбга чиқариши учун барча шароит ва қулайликлар яратилган.

Ёки қисқа даврда тиббиёт тизимида юз берган янгиланишлар одамларда ислоҳотларга ишонч, юрт тараққиётига дахлдорлик туйғусини юксалтирмоқда. Зеро, бугунги кунда Андижондаги 400 дан зиёд маҳаллаларда аҳолига туну кун хизмат кўрсатадиган хусусий тиббиёт пунктлари ташкил қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 15-16 апрель кунлари Андижон вилоятига ташрифи одамлар кайфиятини янада кўтарди, уларни фаолликка чорлади. Айниқса, аҳоли вакиллари билан ўтган учрашувлар, мулоқотлар, янги лойиҳалар тақдимотларида билдирилган фикрлар, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб берилган вазифалар Андижон фарзанди сифатида мени ҳам ғоятда хурсанд қилди. Хусусан, Булоқбоши туманида Андижон вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича ўтказилган йиғилишда ҳудудда замонавий хусусий клиникалар ташкил этиш учун олти ой давомида сотилмаган давлат объектлари тадбиркорларга тўғридан-тўғри 5 йил муддатга ижарага, кейинчалик эса бу объектлар уларнинг ўзига хусусийлаштириб берилиши уғруланди. Бу эса аҳолининг сифатли тиббий хизматдан самарали фойдаланишига ва уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашларига хизмат қилади.

Аёнки, Андижон — юртимизнинг тарихий шаҳарларидан бири. Бугунги кунда вилоятда барча соҳа ва тармоқлар жадал ривожланмоқда. Айни пайтда бу ерда жуда катта салоҳият мавжуд. Шундай имкониятларни ишга солиш, ҳудудни янада тараққий топтириш мақсадида Янги Андижон шаҳри қурилмоқда. Қисқа вақтда бу ерда барпо қилинган сўлим “Янги Ўзбекистон” боғи ҳам аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши ва дам олишига замин яратди.

Давлатимиз раҳбари мазкур боғдаги халқ сайлида Янги Андижон шаҳарчасига Бобур шаҳри деб ном бериш ташаббусини илгари сурди. Бу халқимизнинг айни кўнглидаги иш бўлди, десак, муболаға эмас. Бу ерда буюк шоир ва саркарданинг ҳайкали ўрнатилиши, атрофида тематик боғ ва бобурийлар мероси билан боғлиқ экспозициялар ташкил этилиши тўғри ҳамда оқилона қарор бўлди, деб ўйлайман. Зеро, бу нафақат тарихий хотира, балки келажакка қурилаётган маънавий кўприкдир.

Бугун Андижон ислом маданияти ва илмий мерос марказигина эмас, балки замонавий шаҳарсозлик намуналаридан бирига айланяпти. Узоқни кўзлаб юритилаётган халқчил сиёсат туфайли одамларга орзу-ҳаваслар, фахр-ифтихор қайтмоқда, шодлик қайтаётир. Инсон қадри юксалмоқда.

Ушбу қутлуғ ташриф, чин маънода, одамлар турмуш даражасини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳудуднинг беқиёс имкониятларини юзага чиқаришга, андижонликлар ҳаётига барака киритишга хизмат қилади. Демак, ҳар биримиз ислоҳотлар жараёнига ўз ҳиссамизни қўшишимиз, инсон қадри улуғланган юрт ривожи, тараққиёти учун бор куч-салоҳиятимизни сафарбар этишимиз лозим.

**Екатерина СМЕСОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

**Адлия вазирлиги ташаббуси билан жорий йилнинг май ойида «Тошкент ҳуқуқ баҳори» («Tashkent Law Spring») форуми ўтказилади.**

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2025 йил 17 апрель

# МИНТАҚАВИЙ БИРДАМЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

*Бугун Ўзбекистон очиқ, прагматик ва амалий ташқи сиёсат юритиб, дунё мамлакатлари, хусусан, қўшни давлатлар билан яқин дўстлик ҳамда ўзаро ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси туфайли амалга оширилаётган бундай ўзгаришлар, янгиланишлар ўз самараларини бераётганини амалий саъй-ҳаракатлар мисолида кўриб турибмиз.*

## Нуқтаи назар

Яқинда қўшни Тожикистоннинг Хўжанд шаҳридаги уч томонлама машварат минтақавий сиёсат тарихидаги туб бурилиш нуқтасига айланди, десак, айни ҳақиқат. Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон Президентлари давлат чегараларининг туташ нуқтаси ҳақидаги шартномани имзолади. Мазкур ҳужжат Тожикистон ҳамда Қирғиз Республикаси ўртасидаги ўттиз йилдан зиёд давом этган баҳс, чегара борасидаги ноаниқлик, вақти-вақти билан аланга олиб турадиган низоларга ҳуқуқий ечим бўлди. Қолаверса, “Абадий дўстлик тўғрисида”ги Хўжанд декларацияси қабул қилинди, рамзий Дўстлик стеласи ўрнатилди. Мамлакатлар ўзаро ратификация ҳужжатларини алмашди.

Бу нимани англатади? Албатта, бу — жаҳонда беқарорлик ва геосиёсий парчаланиш авж олаётган, айрим минтақалар мамлакатлари тил топиша олмаётган бир паллада Марказий Осиё ўзининг нималарга қодирлигини намойиш этганининг амалдаги ифодаси.

Хўжандда ўтказилган музокаралар ва эришилган келишувларнинг иккинчи муҳим аҳамияти шундаки, энди томонлар иқтисодиёт, савдо ҳамда логистикадан тортиб энергетика соҳасидаги ҳамкорликкача бўлган турли йўналишдаги алоқаларни янада жадал ҳамда муаммосиз ривожлантириш имкониятига эга бўлади.

Бир пайтлар мустамлакачилар босқини туфайли Марказий Осиё давлатлари беш бўлакка бўлинди, ўрталарига суньий чегаралар тортилди. Собиқ иттифоқ парчаланганидан кейин минтақа турли куч марказларининг манфаатлари кесишган мураккаб геосиёсий конфигурацияга эга нуқтага айланди. Ўтмишдан мерос бўлиб қолган сув, энергетика, чегара масалалари узоқ вақт барҳам топмади. Таъбир жоиз бўлса, уч давлатнинг ҳудудлари туташган Фарғона водийси кўп миллатлилиги, ишсизликнинг юқори даражаси, чегаралар чигаллиги, ижтимоий муаммолар юкининг оғирлиги билан ҳар дақиқада портлаши мумкин бўлган порохга ўхшарди.

Минтақанинг мураккаб тарихи, ўтган даврларда уч республика ўртасидаги ҳудудий чегараланиш муаммосининг ечилмай қолгани вазиятни янада мураккаблаштирди. Боз устига Ўзбекистоннинг водийдаги учта вилояти республика ҳудудининг фақат ўндан бир қисмини ташкил этса-да, аҳолисининг 30 фоиздан ортиғи истиқомат қилади.

Юқорида таъкидланганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилдан бошлаб Марказий Осиёда яхши қўшничилик ҳамда шериклик муҳитини шакллантириш борасидаги интилишлари, ташаббуслари ва қатъияти туфайли бурилиш нуқтаси шаклланди. Айниқса, сув ҳамда чегара муаммоларини ечишга киришилди. Барча қўшни давлатлар билан демаркация ва делимитация ишлари деярли якунланди.

Аммо ёнимиздаги икки давлат — Қирғизистон ва Тожикистон муносабатлари ҳаммамизни хавотирга солиб келди. Ўзбекистон ўз ниятларини аниқ ҳаракатлар билан тасдиқлаб, 2023 йилда Қирғизистон билан чегаранинг делимитациясини якунлади ва икки томон сезиларли ҳудудий имтиёзларга борди. Шу орқали минтақавий барқарорлик учун муросага тайёрлигини намойиш этди. Ўзбекистоннинг бу ибратли ҳаракатидан сўнг Тожикистон ҳам Қирғизистон билан барча чегара масалаларини ҳал қилди. Унинг тартибга солиниши эса минтақада саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, савдони ривожлантириш, тадбиркорликни кенг ёйиш, янги индустриализация жараёнлари каби вазифалар бажарилиши учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

> *Эътиборлиси, Тожикистон ва Қирғизистон билан ўнлаб янги чегара пунктлари очилди. Тожикистон билан товар айланмаси 120 млн. доллардан 800 млн. долларгача ўсди. Қирғизистон билан ўзаро товар айланмаси 750 млн. долларга етди. Таълим ва маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлик мустаҳкамланиши натижасида қўшма университетлар очилди.*

Фарғона водийсининг бутун саноат кооперацияси ва индустриализациясини ривожлантириш бўйича комплекс дастур зарур. Бу борада ижобий ўзгаришлар аллақачон йўлга қўйилди. Ўзбек компанияларининг Қирғизистондаги инвестиция лойиҳалари фаол ривожланмоқда, яъни тўқимачилик корхоналари ҳамда қурилиш материалларини ишлаб чиқаришдан тортиб терини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашгача. Йирик лойиҳалар ҳам мавжуд, масалан, автомобиль йиғиш корхоналари.

Умуман, уч томонлама учрашув формати нафақат Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон учун, балки бутун Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги, барқарорлиги ҳамда фаровонлиги учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу инвестициялар режаси ва Евроосиё ҳудудида хавфсизликни таъминлаш масалалари билан боғлиқ. Чегара низоларини ҳал этиш наркотрафик, қурол-яроғнинг ноқонуний савдоси ҳамда турли радикал элементлар ҳаракатланиши мумкин бўлган чегарани самарали назорат қилиш имконини беради. Бундан ташқари, Марказий Осиёнинг транспорт-логистика тизимини ривожлантиришда катта имконият ҳамда воситалар мавжудлиги ҳақида ижобий сигнал ҳамдир.

Эътиборлиси, Тожикистон ва Қирғизистон билан ўнлаб янги чегара пунктлари очилди. Тожикистон билан товар айланмаси 120 млн. доллардан 800 млн. долларгача ўсди. Қирғизистон билан ўзаро товар айланмаси 750 млн. долларга етди. Таълим ва маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлик мустаҳкамланиши натижасида қўшма университетлар очилди.

Айтиш жоизки, Хўжанд шартномаси — минтақавий бирдамликнинг ёрқин намунасига айланди. Саммитда биринчи марта Марказий Осиёнинг “шенген ғояси” расман тилга олинди. Бу — хориждан кириб келадиган сайёҳлар учун умумий виза, минтақа халқлари учун талаб қилинмайдиган макон, божхона ҳамда миграция сиёсатини уйғунлаштириш лойиҳаси.

Шу маънода, қўшни мамлакатлар ўртасида виза тартиби анча соддалаштирилди. Натижада ўзаро саёҳат оқими тезлашди. Тожикистон ва Ўзбекистон фуқаролари виза расмийлаштирмасдан 30 кунгача икки мамлакат ҳудудида қолиши мумкин. Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон ўртасида 60 кунгача визасиз режим ўрнатилган. 2023 йил 1 сентябрдан эса бу икки давлат фуқароларининг ўзаро саёҳати учун чет эл паспорти ўрнига ID-картадан фойдаланиш имконияти яратилди. Қарангки, бир пайтлар сароб ҳисобланган ғоя бугун интеграциянинг мантиқий босқичига айланмоқда.

Давлатимиз раҳбари “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммитида таъкидлаганидек, Марказий Осиё Ер юзининг четидаги нуқта эмас. Аксинча, Шарқ ва Ғарбни, Шимол ва Жанубни туташтирадиган чорраҳа. Яқин бир неча йил ичида ишга тушадиган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли, Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар транспорт коридори, “CASA-1000” орқали Тожикистон ҳамда Қирғизистон электр энергиясининг Жанубий Осиёга етказилиши, Фарғона, Сўғд ва Боткендаги хаблар яқин келажакда минтақа қиёфасини буткул ўзгартириб юбориши аниқ.

Уч қўшни мамлакат раҳбарларининг Хўжанддаги тарихий учрашуви минтақавий интеграциянинг янада жадаллашувига, иқтисодий ва инфратузилма лойиҳаларида яқин ҳамкорлик кенгайиши ва Марказий Осиёнинг барқарор тараққиёти учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

**Ғофуржон ЗОҲИДОВ,**
**Қўқон университети директори, доцент.**

РЕКЛАМА

# САЛОМАТЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

*Мамлакатимизнинг “Янги Ўзбекистон” боғига туташ ҳудуди — “CAEx Uzbekistan” халқаро кўргазмалар марказида “Соғлиқни сақлаш — TIHE 2025” 29-Тошкент халқаро кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.*

## Кўргазма



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, “Iteca Exhibitions” халқаро кўргазма компанияси ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмада йигирмадан зиёд давлатлардан 400 дан ортиқ компаниялар ҳамда брендлар қатнашяпти.

Улар орасида АҚШ, БАА, Беларусь, Буюк Британия, Германия, Индонезия, Испания, Россия, Сингапур, Туркия, Украина, Хитой, Қозоғистон каби давлатларнинг вакиллари ҳам энг сўнгги русумдаги технологияларини намойиш қилмоқда. Бунинг учун қатнашчиларга етарлича шарт-шароит яратиб берилган.

Дарвоқе, ушбу марказда бу йил биринчи марта эстетик тиббиёт, “anti-age” парвариши ҳамда гўзаллик саноатига бағишланган “Beauty Uzbekistan — 2025” кўргазмаси ҳам ўтказилаётир. Айтиш керакки, юртимизда ижтимоий соҳанинг бошқа йўналишлари қатори соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ҳамда техник жиҳатдан такомиллаштириш, ходимларга хорижникидан қолишмайдиган қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу эса бугунги ислоҳотлар самаралари ва туб ўзгаришлардан ҳам яққол сезилиб турибди.

Эътиборлиси, кўргазма тиббий диагностика, лаборатория жиҳозлари, жарроҳлик, терапевтик ускуналар, жонлантириш мосламалари ҳамда соҳа учун зарур бўлган барча техникани бир жойда жамлаш имконини беради. Бу маҳаллий тиббиётимиз учун янги ускуналарни харид қилиш, тенг манфаатли шартномалар тузиш борасида қулай платформани яратади.

Қолаверса, маҳаллий фармацевтика саноатини ривожлантиришга бағишланган “PharmExpo Central Asia — 2025” ихтисослаштирилган кўргазмасида фармацевтика тармоғи учун хомашё ҳамда компонентлар, шунингдек, тайёр дори воситалари намойишга қўйилган.

Маҳаллий фармацевтика корхоналари вакиллари бу ерда саноатнинг сўнгги тенденциялари, тайёр фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ингредиентлар билан яқиндан танишиш, дори воситалари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича хорижий контрагентлар билан алоқа ўрнатиш имкониятига эга бўлишяпти.

Тадбир доирасида стоматология амалиёти учун замонавий ечимлар, асбоб-ускуналар, дорилармонлар ҳамда бошқа зарур воситалар ҳам таклиф қилинмоқда.

**«Халқ сўзи».**

**«Яшил» иқтисодиётга ўтиш:**

# ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

*Президентимизнинг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида глобал экологик муаммоларни ҳал қилишда илм-фан ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, халқаро тажрибани ўрганиш, инновацион ёндашувларни жорий этиш каби қатор вазифалар белгиланган.*

SANOAT QURILISH BANK

Эътиборлиси, юртимиз мезбонлик қилиб келаётган нуфузли халқаро анжуманларда ҳам глобал иқлим ўзгариши оқибатларини бартараф этишнинг энг мақбул йўли бу — “яшил” иқтисодиётни барқарор ривожлантириш экани халқаро экспертлар томонидан эътироф қилинмоқда. Алоҳида таъкидлаш жоизки, “яшил” иқтисодиётни изчил тараққий топтиришда молия муассасалари ҳам фаол қатнашяпти. Банклар томонидан бу йўналишда бир қатор истиқболли лойиҳалар ҳаётга жорий этилиб, бу ўзининг ижобий самараларини ҳам бера бошлади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти билан ҳамкорликда “Яшил” иқтисодиётга ўтиш: муаммолар ва истиқболлар” мавзуидаги илмий-амалий анжуманнинг уюштирилиши ҳам соҳа ривожи учун муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманда маҳаллий таълим ва молия муассасалари вакиллари билан бир қаторда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Франция тараққиёт агентлиги, Яшил ўсиш бўйича глобал институт (GGGI), шунингдек, “Fitch Ratings”, “PricewaterhouseCoopers”, “BUREAU VERITAS” каби нуфузли халқаро ташкилотлардан етакчи мутахассислар иштирок этди.

Тадбир давомида “яшил” иқтисодиётдаги сўнгги тенденциялар, “ESG” тамойиллари, қайта тикланувчи энергия ҳамда иқлим ўзгаришига мослашиш ва уни юмшатиш чоралари, шунингдек, “яшил” молиялаштириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Миллий “яшил” таснифни шакллантириш ва халқаро сертификатлаш стандартларини жорий этиш орқали барқарор ривожланишга олиб келадиган механизмлар кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ “яшил” иқтисодиётга ўтишни ўзининг стратегик йўналиши сифатида белгилаган. Хусусан, банк томонидан ўнлаб “яшил” лойиҳалар молиялаштирилди, хорижий молия институтлари билан ҳамкорликда мижозларга “яшил” кредит линиялари таклиф этилмоқда. “ESG” стандартлари жорий қилингани қатор муаммоларга барҳам беряпти. Қолаверса, банк экологик ва ижтимоий йўналишдаги ташаббуслари билан молия бозорида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

— Жорий йил бошида “Sustainable Fitch” халқаро агентлиги томонидан банкимизга умумий 59 балл билан “3” даражали “ESG” рейтинги берилди ва бу бизнинг халқаро миқёсдаги фаолиятимизни юксалтиришда муҳим қадам бўлди, — деди анжуманда банк бошқаруви раиси ўринбосари Шуҳрат Якубов. — Бундан ташқари, Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан банкимизнинг “яшил” савдони молиялаштиришдаги ҳиссаси бир неча бор эътироф этилди. Халқаро даражада банкнинг нуфузи ошиб бориши бу нафақат бизнинг, балки мамлакатимиз иқтисодий тараққиётидаги муҳим янгиланишларга омил бўлади.

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ректори Илҳом Маматқулов таълим соҳасининг мазкур жараёндаги ўрнига алоҳида урғу берди.

— Бугунги кунда олий таълим муассасаси фақат кадрлар тайёрлаш маскани эмас, балки келажак етакчиларини шакллантирувчи, экологик ва технологик хатарларга жавоб бера оладиган трансформация маркази бўлиб хизмат қилмоқда, — деди у. — Яна шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, биз тайёрлаётган кадрлар “яшил” иқтисодиёт тамойилларини мукаммал ўрганмоқда ва келгусида улар бу соҳанинг етук мутахассислари бўлиб меҳнат бозорига кириб боради.

Анжуман давомида илғор молиявий воситалар, банкларнинг барқарор ўсишга қўшаётган ҳиссаси ҳақида ҳам маърузалар тингланди. Очиқ мулоқотлар, тажриба алмашинув ва янги халқаро ҳамкорликлар учун муҳим асос яратилди.

**Банк ахборот хизмати.**
*Хизматлар лицензияланган.*

## ЯНГИЛИКЛАР *хабарлар*

# ТАФСИЛОТЛАР

## Ташқи савдо ахборот тизими синов босқичида

*Божхона қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ва кўплаб қулайликларга эга бўлган “Э-контракт” ташқи савдо ахборот тизими синов тариқасида ишга туширилди.*

Маълумотларга кўра яқин кунларда ушбу тизимни тўлиқ ишга тушириш режалаштирилган. У https://contract.customs.uz манзилида жойлаштирилган бўлиб, ушбу дастур ёрдамида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ўзларининг ташқи савдо шартномалари маълумотларини шакллантириш, уларнинг ижросини кузатиб бориши мумкин.

Қолаверса, божхона ҳамда банк операциялари бўйича маълумот ва ҳисоботлар, шунингдек, нотариф чоралар ҳақида ахборот олиш имкониятлари пайдо бўлди.

## Қурилаётган объектнинг QR-кодли паспорти жорий қилинади

*Президентимизнинг тегишли Фармонига кўра 2025 йил 1 сентябрдан ҳар бир қурилаётган объектнинг QR-кодли паспорти жорий қилинади.*

Бу орқали шаҳарсозлик субъектлари, қурилиш муддатлари, шаҳарсозлик ҳужжатлари ва тасдиқланган экспертиза хулосалари ҳақидаги маълумотларни олиш имконияти яратилади.

Бундан ташқари, кўп квартирали уйлардаги жойларни, шунингдек, ертўлаларни қайта қуриш ва режалаштиришда шаҳарсозлик нормаларини бузган ҳолда уйнинг конструктив қисмлари ва таянч деворларига ўзгартириш киритиш, бузиш ҳамда бинонинг зилзилага бардошлилигига салбий таъсир қиладиган ишларни амалга ошириш тақиқланади.

## Билимли аёл — миллат тарбиячиси

*Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти томонидан “Билимли аёл — ёрқин келажак тарбиячиси!” шиори остида “Заковат” интеллектуал шоу-мусобақаси ташкил этилди.*

Унда юртимиздаги нуфузли олий таълим муассасаларининг тажрибали ва илм-фан фидойиси бўлган аёл профессор-ўқитувчилари қатнашди.

Беллашув иштирокчиларга нафақат ўзларининг фундаментал ва амалий билимларини намоён қилиш, балки жамият ҳаётининг барча соҳасида хотин-қизлар иштирокини янада кенгайтириш, уларнинг ижтимоий барқарорлик ва тараққиётга қўшаётган ҳиссасини таҳлилий ёндашув асосида муҳокама этиш имконини берди.

Ҳар бир қатнашчи ўзининг пухта тайёргарлиги, мустақил фикрлаши ва замонавий қарашлари билан ажралиб турди. Аёл зиёлиларнинг интеллектуал ёндашувлари, уларнинг стратегик фикрлаш қобилияти мусобақа жараёнида ёрқин намоён бўлди.

Якунда ғолиблар диплом ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

## Янги авлод муҳандислари фестивали

*Шу кунларда “Янги авлод муҳандислари — янги давр технологиялари” шиори остида “Келажак муҳандислари” халқаро фестивали бўлиб ўтмоқда.*

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан уюштирилган ушбу фестиваль келажакни бугундан яратадиган ижодкор ёшлар учун инновацион платформа бўлиб хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Тошкентдаги “INNO” технопаркида фестиваль доирасида “3D” моделлаштириш мусобақалари бўлиб ўтди. Беллашувларда олий таълим муассасалари талабалари ва эркин амалиётчилардан таркиб топган 270 дан зиёд иштирокчилар қатнашди.

“3D” моделлаштириш йўналишига қизиқувчи ёшларни муҳандислик соҳаларига жалб қилишга қаратилган мазкур мусобақа уларнинг техник ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳамда келажакда мамлакатимиз инновацион салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутади.

**«Халқ сўзи».**

**Тошкентда «UzCharmExpo-EurAsia — 2025» халқаро чарм маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 13 529 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегматов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.42 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6